



*Маънавият тарзиботчисига ёрдам*

**О. МУСУРМОНҚУЛОВ**

**ИЖТИМОЙ-  
МАЪНАВИЙ  
МУАММОЛАР ВА  
УЛАРНИНГ  
ЕЧИМЛАРИ**



РЕСПУБЛИКА МАЊАВИЯТ ТАРГИБОТ МАРКАЗИ

ОЙБЕК МУСУРМОНҚУЛОВ

**ИЖТИМОЙ-  
МАЊАВИЙ  
МУАММОЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

ТОШКЕНТ «МАЊАВИЯТ» 2015

УУК: 316.75

КБК: 60.56

М 91

**Мусурмонқулов О.**

М 91      Ижтимоий-маънавий муаммолар ва уларнинг ечимлари / О. Мусурмонқулов; масъул муҳаррир К. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-244-5

Мазкур рисола ахборот асри дея эътироф этиладиган XXI асрда инсоният олдида турган йирик муаммолардан хисобланмиш мағкуравий курашлар, маънавий бухронлар таҳлил этилган ва уларнинг олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилгани бўлиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УУК: 316.75

КБК: 60.56

**Масъул муҳаррир:  
сиёсий фанлар доктори К. Қуранбоев**

**Тақризчилар:  
педагогика фанлари доктори, профессор М. Куронов  
фалсафа фанлари номзоди Ш. Тўраев**

ISBN 978-9943-04-244-5

© «Маънавият», 2015

## КИРИШ

*Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси ҳалқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожсининг натижасидир.*

**Ислом Каримов**

Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшashi учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада ижтимоий-маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўзибўларчиликка ташлаб кўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан айрилиб, охир-оқибатда, ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин. Бугун жамият ҳаётида кечаётган демократик ислоҳотлар жадал суръатлар билан ривожланишида, муҳим бунёдкорлик ишларини амалга оширишда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадлар сари инилиш кузатилаётган экан, демократиянинг тақдири ҳам, кучли фуқаролик жамиятининг қарор тоинши ҳам

фуқароларнинг ижтимоий-маънавий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу жараёнда фуқароларнинг иштироки, уларнинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал қилишда миллий ғоянинг роли алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бу Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантириш жараёнида эришилган ижобий натижалар миллий ғоянинг ҳаётини, илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигининг ёрқин ифодасидир. Чунончи, демократик жамиятнинг шаклланиши мавжуд ижтимоий-маънавий муносабатларнинг барқарорлиги ва улар ривожланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнларда миллий ғоянинг салоҳияти ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам, миллий ғоянинг Ўзбекистонда демократик жамият куришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, уларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ йўлларини белгилаш имконини беради.

Ижтимоий, маънавий зарап ва муаммолар ечими ни топишда ҳамда уларни бартараф этишда маънавий мероснинг ўрни бекиёс. Аждодларимиз бой маънавий меросининг чуқур билимдони, уларнинг комилликка интилиш анъаналарига содик бўлган Юргашимиз ибрат феноменининг ижтимоий тарбиявий аҳамиятига ҳаммадан ҳам кўпроқ эътибор қаратмоқдаки, бу феномен, замондошларимиз учун ўтмиш билан келажакни боғловчи ҳалқа бўлиб хизмат қиласди.

Ислом Каримов, аввало, аждодларимизнинг ибратли ҳаётидан ўrnak олиш, уларга муносиб ворис бўлиш, орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун интилиш зарурлигига кинжалар эътиборини тортади. Айниқса, миллий ғоямизнинг ижтимоий негизини ифодаловчи миллий менталитетнинг тарихий заминига алоҳида эътибор бе-

риб, шундай дейди: «Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ коидаларига амал килиб, комиллик сари интилиб яшагани барчамизга ибрат бўлиб, куч-кувват бағишлаб келмоқда».

Маълумки, бундай ғоялар бизнинг бугунги ҳаётимизда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги замонда бирор-бир ғоянинг таъсирчанлигига баҳо берилар экан, у мамлакатимиз мустақил тараққиётининг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий асосларини маълум даражада мустаҳкамлай олиши, халқимизнинг умумжаҳон ижтимоий тараққиётининг фаол субъектига айланishiга хизмат қилиб, бош мезон бўла олиши зарур. Шу маънода, миллий ғоя нафакат маънавий ҳаёт, балки моддий ҳаётнинг ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар инсон онги ва фаолиятида ниҳоятда муҳим ўрин тутади ва замонавий тараққиёт эҳтиёжларига, тарихий заруриятга мос келмайдиган ақидапарастликдан, вайронкор ғоялар тазиикидан ҳимоя қилиш имконини очиб берувчи омилдир.

Миллий ғоя заиф фикрга қарши мустақил фикрни қўяди ва жаҳолатга қарши маърифат билан ҳимояланади. Дарҳақиқат, «ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, маънавий, ахборот-коммуникация манзарасида чукур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашиб ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда».

Айни пайтда таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишида миллий ғоянинг аҳамияти, уларнинг узвий боғлиқлиги янгича ижтимоий-фалсафий тадқиқотлар олиб боришини тақозо этади.

Чунончи, миллий ғоя асосида шаклланаётган демократик жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида сифат ўзгаришларини юзага келтироқда.

Зеро, мустакил фикр, соғлом дунёқараш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга, маънавий жиҳатдан баркамол инсонгина мамлакатимизда эркин, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши, юртимиз тараккиётига тўсқинлик қилаётган ҳар қандай тазиик ва таҳдидларга бардош бериши мумкин. Чунки бугунги кунда ҳар бир инсон нафакат ўз ҳаёти билан, балки жамият ҳаёти билан бир бутун яшаши лозим. Шунга кўра, мазкур рисолада ёшларимизнинг ижтимоий-маънавий мафкураси, дунёқараси ва тафаккурига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган баъзи омиллар ва муаммолар ҳақида фикр юритилган.

## **ФУҚАРОЛАР ТИНЧЛИГИ – БҮЮК НЕЬМАТ**

Жамият тарақкىй этар экан, унда бунёдкор ҳамда вайронкор гоялар, ижобий ҳамда салбий хусусиятлар вужудга келиши, муайян даражада ривожланиши, маълум вақтдан кейин – ўз умрини яшаб бўлгач, интиҳосига этиши табиий ҳол. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бу муаммо ва таҳдидлар жамият тарақкиётiga жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бинобарин, муаммолар турли-туман бўлиб, уларнинг ижтимоий турига, тахминан, қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Оила ва маҳаллаларда тарбия масаласидаги эътиборсизлик.

2. Гиёхвандлик, одам савдоси, турли жиноий хатти-харакатлар.

3. Ишсизлик, турли гуруҳлар, оқимлар томонидан носоғлом турмуш тарзининг тарғиб қилиниши, ҳар қандай хоҳиш-истакларнинг эркинлик дея талқин этилиши, моддий етишмовчилик.

Инсонлар турли фаолиятлари жараёнида ўз ҳаётлари учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни, маънавий ва ижтимоий мухитни яратадилар ва бу жараёнда ўзаро турли муносабатлар ўрнатадилар. Жамият эса ўзаро ижтимоий муносабатларда бўлган инсонлардан ташкил топган. Инсонларнинг турли фаолияти улар ижтимоий ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади ва ўз навбатида, жамият тарақкиётини белгилайди. Ижтимоий фалсафа инсонлар фаолияти ва

ижтимоий муносабатларининг объектив ва субъектив томонларини таҳлил қиласди.

Гап ижтимоий муносабатларга путур етказиш масаласига бориб тақалар экан, XXI асрда бутун дунё халқларини ташвишга солаётган энг жирканч иллатлардан бири ҳакида тўхталиш максадга мувофиқ. Одам савдоси инсонни ҳаёти, эрки ва хуқукларидан маҳрум килиб, қулликка маҳкум этиш, инсонлар умрига зомин бўлиш, уларнинг эрки, тақдири ва келажагини оёқости қилишдек энг оғир ва жирканч жиноятдир. Инсонни бегона юртларга сотиб юбориш, қул сифатида жўнатиш, ёш болаларни ўғрилаб, бошқа нопок шахсларга пуллаш каби мудҳиш воқеалар тез-тез учраб турибди. Одам савдоси билан боғлиқ бундай жиноятлар ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб, дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда.

Ана шундай қабих жиноятлар кейинги йилларда миллионлаб одамларнинг тақдирини издан чиқарди, оилалар пароканда бўлди, болалар баҳтсизликка маҳкум қилинди. Айрим содда ва оққўнгил, ишонувчан фуқаролар устомон одамфурууш фирибгарларнинг ёлғон ваъдаларига учиб, уларга ўлжа бўлмокда.

«Мени ўз дугонам алдади, – дейди Нигора: чет элга ишга кетамиз, у ерда холамнинг дугонаси тадбиркорлик билан шуғулланади. Мени ҳам чақирайпти. Сен ҳам юр иккаламиз бирга кетамиз. Бир йилда анчагина даромад топиб келамиз. Бу ерда қачон маош оламан, деб юрасанми?» – деб ҳолу жонимга қўймади. Шундан сўнг унинг таклифига рози бўлдим. Ота-онамнинг норозилигига қарамасдан, дугонам билан бирга чет элга ишлашга кетдик. Манзилга етиб боргандан кейингина алданганимни англаб етдим, аммо энди кеч бўлган эди. Дунёда яхши одамлар ҳам бор экан. Уларнинг ёрдами билан ўз юртимга қайтишга муваффақ бўлдим. Ҳозир вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида даво-

ланаяпман. Ўткинчи ҳою ҳавасларга берилган қизларга илтижо қиласман. Кўзингизни каттароқ очинг, пулу зебзийнатга учиб, алдов курбони бўлманг. Улар сизга ҳеч качон баҳт беролмайди. Эҳ, нега ўшандада отажонимнинг гапларига кирмадим?!»

Кейинги йилларда жинсий йўл билан юқадиган касалликлар тури тобора ошиб бормоқда. Жаҳон соғликини сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, жинсий йўл орқали юқадиган 25 дан ортиқ касаллик хавфли саналади. Хорижда ишлаб келган кишиларда бу касалликларнинг кўплаб турлари учрамоқда. Шундай касалликлардан бири захм (сифилис)дир. Захмнинг қўзғатувчиси, клиник кечиши, давоси ҳамда профилактикаси бўйича асрлар давомида жуда кўп тажриба тўпланганлигига қарамай, бу касалликнинг баъзи хусусиятлари шифокор ва олимлар эътиборини ҳанузгача ўзига жалб этмоқда. Жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг янги авлодлари (хламидиоз, генитал герпес, попилломовирус, цитомиголовирус ва бошқалар) билан оғриган беморлар сонининг ошиб бориши кузатилмоқда.

Одам савдосига карши курашиш, инсонларни чет элларда мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш ҳамда бу борадаги жиноятларни таг-томири билан йўқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўгрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўгрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигининг 322-буйруғи ижросини таъминлаш ва одам савдосидан жабрланганларга тиббий ва психолого-гик ёрдам қўрсатиш белгиланган тартибда ташкил этилган. Одам савдосига аралашиб, чет элларга расмий ва норасмий равища бориб-келаётган шахслар орасида

ОИТС инфекциясига чалиниш ҳоллари ҳам қайд этилган бўлиб, уларнинг аксариятига тартибсиз жинсий ҳаёт кечириш, гиёхвандлик моддаларини қабул қилиш сабаб бўлмоқда.

Ўтган асрнинг охирги чоракларидан бошлаб истеъмолга кирган одам савдоси муаммоси бутун дунё аҳли томонидан ўта оғир жиноят сифатида баҳоланиб, жамият тараққиётига жиддий хавф соловучи, ўта ижтимоий хавфли таҳдид эканлиги тан олинган. Одам савдоси билан шугулланувчи йирик жиноятчи ташкилотларнинг йилдан-йилга кучайиб бораётганлиги ҳам кўпчилликка сир эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тарқатган маълумотларига кура, аёлларнинг товар сифатидаги дунёвий савдоси кўлами йилига 12 миллиард АҚШ долларига баҳоланаётган бўлса, ҳар йили одам савдогарлари қўлига икки миллионга яқин инсонлар тушаяпти. Бутун дунёда ҳозирда одам савдоси жиноятни турли кўринишларда: инсонларни камситиш, уларнинг хуқуқларини тан олмаслик, эркинликларини поймол қилган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиш, қул сифатида мажбуран сотиб юбориш, фохишабозликда фойдаланиш ва бошқа бир қатор шаклларида намоён бўлмоқда. Жабрланувчиларнинг асосий қисмини жинсий эксплуатация мақсадида чет элга олиб чиқиб кетилаётган аёллар ташкил қиласди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция» ва уни тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол»га мувофиқ одам савдосига қарши курашиш унга аъзо давлатларнинг мажбуриятига киради. Мазкур халқаро хужжатлар шуниси билан аҳамиятлики, улар қатор хорижий давлатларда одам савдосининг жиноят сифатида миллий қонун хужжатларида белгиланишида хуқуқий норматив асос бўлиб хизмат қиласди. Прото-

колда одам савдоси жиноят сифатида белгиланибина колмай, ушбу жиноятдан жабр кўрганларни халқаро даражада ва миллий қонунлар билан ҳимояга олиш назарда тутилган.

Ўтган йилда кучга киритилган «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Қонунда ҳам ана шундай вазиятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашда самарадорликни ошириш, давлат органлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, жиноят оқибатларини минималлаштириш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши кураш бўйича қонун ҳужжатларини ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш борасида бевосита Адлия вазирлиги ташаббуси билан шу кунга қадар ушбу қонуннинг қабул қилингани муносабати билан ҳукуматимизнинг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритилди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида бож йифимлари тарифларига изоҳларнинг 6-бандига, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низомнинг 4-бандларига тегишли тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Минг афсуски, инсон ҳаётини тасарруф қилиш, уни олди-сотди буюмга айлантириш айrim ваҳший ва баднафс шахсларнинг доимий фаолиятига ҳамда мўмайгина даромад манбаига айланиб қолмоқда. Аммо юртимиизда бу оғатга қарши жиддий курашиш мақсадида барча чора-тадбирлар ишга солинаяпти. Бу борада барча ҳуқуқий асослар яратилган. Биздан эса ҳамишина огоҳлик ва хушёрлик талаб этилади, холос. Бинобарин,

ёнимиздаги одамларнинг ҳәёти ва келажагига огу со-  
лаётган бу балога бефарқ бўлишга асло ҳаққимиз йўқ!

Одатда, аёлларни ёллаш турли маҳаллий рўзнома-  
ларда чет элда ишлаш таклифи билдирилган эълонлар  
бериш орқали амалға оширилади. Хотин-қизлар учун  
уй хизматчиси, ошпаз, болалар энагаси, котиба, офици-  
ант, стюардесса каби ишлар таклиф қилинади. Юкори  
маош ва қулай иш шароитлари тўғрисида маълумот-  
лар берилади. Кўпинча, бундай маълумотлар интернет  
саҳифаларида ҳам, ҳаттоқи машхур, обрули фирмалар  
номидан ҳам берилади.

Ушбу таклифлар маъқул бўлгач, айрим хотин-қиз-  
лар тезлик билан ўзлари ҳақидаги маълумотларни «иш  
берувчилар»га тақдим этадилар. Ўз навбатида, «иш бе-  
рувчилар» ҳам уларга виза ва бошқа ҳужжатларни рас-  
мийлаштиришда ва йўл чипталарини олишда ҳам «бе-  
миннат» кўмак берадилар. Хорижий мамлакатга олиб  
чиқиб кетилаётган қизлар одатда ўз ёшларини яширган  
холда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси билан  
олиб кетилади. Баъзи ҳолларда эса, уларни шу ернинг  
ўзида сохта никоҳдан ўтказишади. Одатда, сохта никоҳ  
учун «хотинликка олаётган шахс»га 50 АҚШ долларидан  
200 АҚШ долларигача микдорда пул берилади.

Бундай «қора бизнес» билан шуғулланадиган ту-  
зилмалар икки бўғинли бўлади, яъни маълум бир  
одамлар «товар»ларни излаб топиш ва етказиш би-  
лан шуғулланади. Бошқалари эса бевосита бу «тирик  
товар»лар реализацияси билан машғул бўлади. Бу биз-  
несда «ўртада турувчилар» ҳам қуруқ қолишмайди.  
Маълумотларга қараганда, битта қиз бола «товар» учун  
бундай кишилар 200 АҚШ долларидан 5000 АҚШ дол-  
ларигача ҳақ оладилар (бу албатта, савдо бўлаётган  
мамлакат, «товарнинг сифати» ва келишувга боғлик).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фоҳишабоз-  
ликнинг аниқ ҳолати тўғрисида расмий статистика

мавжуд эмас, бунинг асосий сабаби, жабрланувчиларнинг шахсияти сабабли бундай туркумдаги жиноятчилик турларида латентлик даражасининг юкорилигидир. Бошқача килиб айтганда, хорижий мамлакатларга иш излаб кетган ва у ердан эса номуси топталган, шахс сифатида ночор ахволда келган аёллар ўз ижтимоий мавқений йўқотмаслик учун унга нисбатан кўрсатилган зўравонлик ёки бошқача тарздаги тазийқ ҳолатлари тўғрисида давлат органлари ёки жамоат ташкилотларига деярли хабар қилмайди. Баъзи ҳолатларда эса ушбу «қора бизнес» орқали ўз иқтисодини бирмунча яхшилаб олган аёллар айрим енгил ҳаётга ўрганган аёллар ва қизларни ҳам ана шундай фаолият остонасига бошлайди.

80-йилларнинг охирларида ўзбек ҳукуқшунос олими Й. Каракетов биринчилардан бўлиб фохишалик фаолиятини ўрганиб, уларни бир неча турларга бўлган ва жамият учун хавфли деб таъкидлаган эди.

Ушбу жиноятчилик виктимологик хусусиятларига кўра, жабрланувчиларнинг шахси турлича жихатларга эга. Сўнгги йилларда «кўхна касб билан шуғулланувчилар» орасида 13-14 ёшдаги болалар ҳам учрамоқда.

Аёлларни жинсий эксплуатацияга жалб этишнинг кенг тарқалган усулларидан яна бири – турли танловлар, гўзаллик мусобакалари (МИСС танловлари)ни ўтказишидир. Ушбу жиноятчиликнинг жабрланувчиларига айланган хотин-қизларнинг асосий қисми ана шундай танловларда қатнашганлардир. Масалан, биргина Таиланд фохишаоналарида бир неча «Мисс Таиланд»ларни ҳам учратиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирда жуда расм бўлиб бораётган чет элликлар билан никоҳ қуриш ҳолатлари ҳам «қора бизнес» соҳибларининг қулай усулларига айланган. Айниска, Россия, Украина, Белоруссия ва айрим Шаркий Евр-

на мамлакатларидан бўлган қизлар ёки аёллар учун Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Баҳрайн, Сурия ва Туркия каби Шарқ мамлакатларидан турли-туман «никоҳ таклифлари» кўпроқ учрайди. «Куёвтўралар» ўзларининг бойлиги, обруйини кўз-кўз қилиб, розилик берган қизларнинг ўз мамлакатларига келишлари учун барча шароитларни таъминлаб берадилар. Алданган қизлар ушбу мамлакатларга боргандан сўнг турли фохишахоналарга пуллаб юборилади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, энг катта «одам бозор»лари Ғарбий Европа ҳамда Шимолий Америка минтақасида устун мавқега эга. Бу мамлакатларда «кўҳна касб билан шуғулланувчилар»га яратилган имтиёзлар ва қонуний меъёрлардан ноқонуний одам савдоси «қироллари» ҳам усталик билан фойдаланадилар. Латвиялик тадқиқотчи Андреас Вилке эса бундай минтақа сифатида бир қанча араб мамлакатлари, Туркия ва Жанубий Кореяни кўрсатади. Америкалик олим Томас Стайнфайтнинг тадқиқотларига кўра, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари одам савдоси ёки мажбурий фохишабозлик бўйича юқори ўринларда туради. 2002 йилда Камбожада 20 829 та «кўҳна касб билан шуғулланувчилар» бўлган.

Шуни қайд этиш керакки, ижтимоий-сиёсий жихатдан одам савдоси ёхуд унинг айрим кўринишлари (ноқонуний миграция, ишчи кучини рухсатсиз ҳолда чегарадан ўтказиш) айрим шахслар ва ташкилотлар учун ҳам фойдалидир. Ҳатто баъзи давлат ташкилоти ёки ижтимоий гурухлар учун бу тирикчилик ва ҳаёт масаласидир.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, фохишабозлик ёки бетартиб жинсий ҳаёт маънавий жихатдан қаттиқ қоралангани кўпгина мусулмон мамлакатлари халкаро одам савдоси (траffики)нинг гуллаб-яшнаётган марказларига айланниб қолган. Бу борада энг юқори ўринлардан бирини

Бирлашган Араб Амирликлари эгаллади. Шариат қонунлари амал киладиган ҳамда зино (ноқонуний жинсий алоқа) учун қаттиқ жазо тайинланадиган ушбу мамлакатда бутун дунёдан «ўз баҳтини излаб келган» аёллар ҳамда уларга «яхши иш, юкори маош» таклиф килган одам савдогарларининг жуда катта тӯдаси ин қурган. Ҳозирги кунда одам савдоси глобал бизнес турига айланиб, жиноий гуруҳларнинг шиддат билан ўсаётган фаолият доирасига айланиб бормоқда. Гарчи жиноий гуруҳлар учун наркотиклар ва қуроляроғ контрабандаси катта фойда келтираётган бўлса ҳам, одам савдосининг келтираётган фойдаси ундан қолишмайди.

Шу боис, ҳозирда жамият тараққиёти учун жиддий таҳдид бўлган бу ишга қарши биргаликда уюшқоқлик билан курашиш, бу йўлда барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш биринчи галдаги вазифаларимиздан-дир.

## **ОИЛА ИНСТИТУТИДА МАЊНАВИЙ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

Барчамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада ҳукуматимиз томонидан қатор қарорлар ва фармонлар ишлаб чиқилган, улардан, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги қонун, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ва Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича Давлат дастурининг қабул қилинганилиги, болалар спортини ривожлантириш борасидаги эзгу ҳаракатлар, иқтидорли ёшларни қўллаб-кувватлаш борасида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганлиги бунинг якқол ифодасидир.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқаролар ўзи-ни-ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 19 июнь 2012 йил 175-сонли қарори қабул қилинди. Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ҳалқ таълими вазирлиги хузуридаги «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоатчилик кенгаши тузилди. Унда Жамоатчилик кенгашининг низоми ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Оила муаммоларини ўрганиш, ечимини топиш ва бу борада олиб борилаётган ишлар устидан жамоатчилик

назоратини ўрнатиш масалалари бўйича ҳамкорликдаги иш қандай амалга оширилиши керак?

Муаммонинг бу турига оилавий ажримлар, балоғат ёшига етмаганлар ўртасида туғруқлар, нотинч оилалар, жиноятчилик, ўз жонига қасд этиш, эрта турмуш қуриш, норасмий диний экстремистик оқимларнинг мавжудлиги, ноқонуний миграция, фоҳишибозлик, гиёҳвандлик кабилар киради.

Ижтимоий-маънавий муаммоларни бартараф этиш жараёнода оиланинг ўрни:

- оиласа соғлом муҳитни яратиш, миллий рух ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун отоналар ҳар томонлама ўрнак бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанига муҳаббат туйғусини шакллантириш;

- болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;

- оиласарни мустақил фикрлашга ўргатиш; миллий истиқлол ғоялари ва миллий мағкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

- болаларнинг бўш вақтларини педагогик нуқтаи назаридан унумли ташкил этиш, уларга қўшимча таълим бериш;

- ўз фарзандларининг мактаб, маҳалла, давлат ва жамият олдидаги бурчларини тўла адо этишлари учун оиласа масъулиятли бўлиш;

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, ўзбекона таъбир билан айтганда, фарзандга яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб саводини чиқариш, илмли, касб ҳунарли қилиш, оиласи ва уйли-жойли қилишдан иборатдир.

Ижтимоий-маънавий муаммоларни бартараф этиш жараёнода маҳалланинг ўрни:

«Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган наклдан келиб чиқиб, келажак авлодни тарбиялаш ва уига таълим бериш жараёнини амалга ошириш борасида кичик Ватан бўлмиш маҳалланинг олдида қуидаги вазифалар туради:

- маҳалла фаоллари томонидан тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама килишда қатнашиш ва оқилона ечимларни топишда фаоллик кўрсатиш;
- маҳалланинг ўз худудидаги ижтимоий-иктисодий ёрдамга муҳтоҷ оилаларни аниқлаб, уларни қўллаб-куватлаши ҳамда фарзандларининг билим ва тарбия олишларига бош-кош бўлиши;
- маънан носоғлом оилаларни маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга нисбатдан жамоатчилик чораларини кўриш;
- маҳалла ҳудудидаги ўкув-тарбия муассасаларига иктисодий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни қўллаб-куватлаш;
- ота-оналар орқали болаларни ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб, мафкуравий онглилик, байналмиллик каби хислатларни сингдиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;
- ёшларга диний мазҳаблар ва секталар, ақидапа-растликнинг моҳиятини тўғри англаб етишга ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ аждодларимизнинг тарбиявий ўгитларини сингдиришга жамоатчиликни сафарбар қилиш;
- маҳалла йиғинларида миллий давлатчилик ва миллий мафкура ғояларини, республикамизда иктисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютукларнинг таргиботини амалга ошириш борасида турли маънаний-матърифий тадбирлар ташкил қилиш;

– маҳалла худудидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий кийналган ёшлар учун иш жойларини ажратиш;

Ижтимоий-маънавий муаммоларни бартараф этиш масаласида таълим масканлари, хусусан, мактабларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Болаларга таълим-тарбия беришда мактаб ва педагогларнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қуидагиларга алоҳида этибор берилган:

- мактабда болаларга бирор бир қасб-корни эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратиш;
- ўкувчи ёшларнинг спорт турлари билан шугулланишига ёрдам бериш, уларнинг бўш вақтларини, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тўгарак машғулотларини ташкил қилиш;
- болалар таълимини илғор педагогик технологиялари, замонавий ўкув-услубий дастурлар асосида ташкил этиш, ўкув-тарбия жараёнини жаҳон андозаларига мос равишда таъминлаш;
- ёш оиласар билан ишлаш, тиббий тарбиявий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий тушунчалар бериш учун маҳсус тадбирларни амалга ошириш;
- мактаб негизида педагогик, ҳуқуқий, психологик, маънавий-маърифий, билимлар берувчи «Ота-оналар университетлари» фаолиятини ташкил қилиш.

Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги концепцияси ёшларни тарбиялаш, уларга сифатли таълим бериш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши йўлида хизмат килмоқда.

Баркамол авлодни тарбиялашда «оила, маҳалла ва таълим муассасалари» ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлаш мақсадида концепцияда жамоатчилик кенгашлари ва унинг низоми ҳамда иш режаси юзаси-

дан кузатишлар натижаси шуни күрсатадыки, айрим касб-хунар колледжларида, оиласарда ва маҳаллаларда бу борада камчиликлар учраб турибди. Жумладан, маҳалла ва таълим муассасалари иш режасида «Оила, маҳалла ва таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми-ни кучайтириш бўйича ишлаб чиқилган режада бел-гиланган топшириқлар, тадбирлар йўқ; оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ҳамкорлик фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган; айрим касб-хунар колледжларида ўқувчилар давомати паст; ота-оналар фарзанд тарбия-сига эътиборсиз, лоқайд; вояга етмаган қизлар орасида эрта турмуш қуриш ҳамда исталмаган ҳомиладорлик ҳолатлари; ўқувчиларнинг интернет клубларида ах-лоқий бузуклик, бузгунчи ғоя ва мафкураларни тарғиб қилувчи сайтларга кириш ҳолатлари, айниқса, ачинар-ли ҳолатлардир.

Хулоса қилиб айтганда, «Оила, маҳалла ва таълим муассасаси» ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, бунинг учун эса, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигига бир ойда бир маротаба вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқ, маҳаллалар кесимида режа асосида йиғилишлар ўтказиш, қабул қилинган қарорларнинг ижроси мунтазам равишда белгиланган мутасадди ташкилотлар томонидан назорат килиниши зарур. Бу эса оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги самарадорлигини оширади.

## ГОЯВИЙ МУАММОЛАР

Маънавий иллатлар ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи дастлабки омиллардан ҳисобланади. Ёшларнинг маънавий иллатлари деганда феъл-авторнинг айрим яроқсиз намуналаригина тушунилади. Бироқ маънавий иллатларнинг бугунги жамиятга кўрсатадиган салбий таъсирини яхлит тарзда, кенг ҳажмда тасаввур қилиш анча мураккаб масала. Маънавий иллатлар деганда кишининг жамиятда ўрнатилган ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий, маданий, диний, гоявий ва мафкуравий меъёр ва қоидаларга зид келадиган хатти-ҳаракатлари тушунилади. Маънавий иллатлар инсон ижтимоийлашувининг заифлашиши, йўқ бўлиши оқибатида вужудга келадиган маънавий бузилиш ҳодисасидир. Бунга ёлғончилик, адолатсизлик, хурматсизлик, локайдлик, бефарқлик, дангасалик, бюрократизм, тухмат, бўхтон, ҳasad, хоинлик, ўғрилик, иккиюзламачилик, қатъиятсизлик, виждансизлик, ҳаёсизлик, орсизлик, номуссизлик каби бугунги куннинг муаммоси саналган иллатларни киритиш мумкин. Шунингдек, XX асрнинг худди шундай иллатлари жумласига гиёҳвандлик, бир жинсли никоҳ ва ҳоказолар киради. Маънавий иллатлар киши ва жамият маънавиятига тескари, зид бўлган ҳодисадир. Улар тарихий тараққиёт давомида шаклланади, янги-янги кўринишларда пайдо бўлади. Маънавий иллатларнинг юзага келиш сабаблари турли-туман бўлгани каби уларнинг сони ҳам шу қадар чексиздир. Шунга қарамай, маънавий иллатларнинг юзага келиши инсонлараро

иқтисодий, сиёсий, хуқукий, маданий, ижтимоий-маънавий ва руҳий алоқалар билан албатта боғланган бўлади. Биргина иқтисодий сабабнинг ўзи орқали инсонда маънавий иллатларнинг жуда кўп турлари юзага келиши кузатилади. Иқтисодий ночорлик инсонда ўғрилик, ёлгончилик, тажовузкорлик, қонунларни бузиш, лаганбардорлик каби кўплаб маънавий иллатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига шароит яратади. Қолаверса, унинг акси ҳисобланган иқтисодий юксаклик ҳам, ўз навбатида, қонунларни менсимаслик, уларни ўз манфаатига бўйсундиришга уриниш, ўзгалар хукуқларини поймол қилиш, фаҳшга берилиш, обру учун ҳар қандай пасткашликдан қайтмаслик, зўравонлик, манманлик, талончилик, ҳурматсизлик каби маънавий иллатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Кўп ҳолларда ночор индивиднинг маънавий иллатлари ўзга бир индивидга муносабатда намоён бўлса, бадавлат, мулқдор ёки амалдор индивидларнинг маънавий иллатлари гурух, жамият ёки давлатга муносабатида кўзга ташланади.

Шу ўринда Шарқ фалсафий тафаккуридаги «маънавий ғоялар» тушунчаси ҳакида фикр юритиш ўринли. У инсон онги, ички дунёси ва қалбига тааллуқли тушунчалар, ғоялар, қарашлар, фикрлар ва тамойиллар мажмуини англатади. Маънавий ғояларда инсон, табиат, олам ва борлиққа фақат манфаат келтирадиган энг асосий тушунчалар ўз аксини топади.

Маънавий ғояларнинг асосий обьекти инсон бўлганлиги учун уларда энг эзгу, умидбахш ва истиқболли ғоялар мавжуд бўлади. Бир сўз билан айтганда, маънавий ғоялар инсоний хусусиятларга асосланган тушунчалар тизимиdir.

Маънавий ғояларнинг мақсад ва вазифалари кенг кўламли бўлиб, уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат: 1) инсон онгини эзгу ғоялар асосида шакл-

лантириш; 2) инсон дунёқарашида гуманизм устувор бўлишига эришиш; 3) инсон ахлоқини одамийлик қонуниятлари асосида таркиб топтириш; 4) инсонни ёруғ келажак учун сафарбар қилиш; 5) инсонни ғоявий тарбиялаш.

Маънавий гоялар тизими кенг кўламли бўлиб, улар ҳар бир даврда зарурий эҳтиёж ва талабларни рӯёбга чиқариш учун турли кўринишларда намоён бўлган.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино биринчилардан бўлиб маънавий тарбияни тизимлаштириди. Унинг «Тиб қонунлари» китобида ёзишича, маънавий тарбияда инсон ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан тўғри шакллантирилиши лозим. Ибн Синонинг бу қараши XI–XX асрлар давомида Шарқ таълим-тарбия тизимининг негизини ташкил қилиб келди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари маънавий тарбияда ижтимоий фаоллик ғоясини илгари суради. Унинг фикрича, ижтимоий фаол инсон эл-юрти ва жамияти учун фидойи шахс бўлади. Мутафаккирнинг Фарҳод, Баҳром ва Искандар образларида бундай инсоннинг типик намунаси яратилган. Ширин, Дилюром ва Мехинбону образлари фаол хотин-қизлар тимсолларидир.

Шарқ фалсафий тафаккурининг янги даври – XVII асрдан XX аср I чорагига қадар инсонни ижтимоий-маънавий фаоллаштириш ғояси илгари сурилған. Бу фаоллик диний ва дунёвий билимни уйғун эгаллаш, замонавий касб-хунар ўрганиш ҳамда фойдали фаолият билан шуғулланишда намоён бўлади. Шу сабабли Бобораҳим Машраб мутаассибларка берилишни каттиқ танқид қилган бўлса, Хожаназар Ҳувайдо маънавий покланишни тарғиб этди.

Демак, кишилар онгига ижтимоий-маънавий мафкурани ва миллий ғояни шакллантириш тарихий заруритдир. Бу жараёнда, ижтимоий-маънавий мафкура

ва миллий ғоянинг аҳамияти беқиёс. Бинобарин, ўзликни англаш эркин фаолиятга эришиш учун кўзланган мақсадларга эришишда;

– кишилар онгидаги мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;

– юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таяниш ва уларни ривожлантиришга эътибор қаратиш;

– барча фуқаролар, асосан, ёшлар онгидаги, ўз-ўзига ишонч, миллий гурур руҳини шакллантириш каби вазифалар ўз ифодасини топган.

Шу маънода эркин инсоннинг шаклланишида миллий ғоя ва бошқа зарурий омиллар қуидаги тамойилларни ўзида ифодалайди:

– ҳар бир фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий камолот учун юксак масъулиятни ҳис этиши;

– шахснинг манфаатлари бирламчилигини тан олган ҳолда, халқнинг умумий манфаатлари билан уйгунлигини таъминлаш;

– демократик сиёсий тизимни шакллантиришда фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органдарни ролини кучайтириш.

Албатта, мамлакат ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ вазифаларнинг самарали амалга ошиши учун демократик жамият қуриш тамойилларининг ижтимоий омил сифатида аҳамияти, ҳусусиятлари, имкониятлари аник-равshan кўрсатилган. Бу борадаги вазифалар, муаммолар, уларни ечиш йўллари назарий ва амалий изоҳлаб берилган илмий тадқиқотларга эҳтиёж катта.

Илмий изланишлар жарабёни шуни кўрсатадики, миллий ғоя давлат ва жамиятнинг қарашлари, интилиш, хоҳиш ва мақсадлари мажмуудан иборат бўлибгина қолмасдан, балки у халқимизнинг тарихий, этник ҳамда ижтимоий тараққиётининг ҳуқуқий асосларини, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий омиллари,

объектив ва субъектив шарт-шароитларини ҳам ўзида мужассам этади, шунинг учун ҳам, миллий ғоя вужудга келишининг халқимиз рухияти, мафкуравий, сиёсий жараёнлар билан bogлиқ жиҳатларини таҳлил қилиш фақатгина назарий эмас, балки амалий аҳамиятга моликдир.

Ижтимоий ва маънавий муаммолар кўринмас ҳолда миллатга қарши никоб остидаги ҳар хил ғояларнинг сингдирилишига йўл қўйиб бермоқда. Уларнинг сабаби бугунги миллий гоямизга зид бўлган ғоявий бўшлиқ, ғоявий зиддият, ғоявий мутаассиблиқ, ғоявий парокандалик, ғоявий тургунлик, ғоясизлик, ғоявий тажовуз, ғоявий қарамлик каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти таракқиётга таҳдид солувчи салбий ғоявий омиллар кириб келишидадир.

Ғоявий бўшлиқ таракқиётга таҳдид солувчи энг салбий ғоявий омиллардандир. Ғоявий бўшлиқ муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган гоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолатини англатувчи тушунчадир. Ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари Президент Ислом Каримов асарлари, айниқса, «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида далил ва мисоллар асосида чукур ёритиб берилган, унинг оқибатларини бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилган: «... коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Табиийки, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йил-

лик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».

Муайян ақида, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилгандан, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда ғоявий бўшлиқ вужудга келади. Ғоявий бўшлиқнинг юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ.

Ғоявий зиддият турли манфаат, мақсад ва интилишларни ифодаловчи ғоялар ва уларга таянадиган кучлар ўртасидаги зиддият ҳолати ҳамда қарама-қарши муносабатларни ифодалайди. Бундай зиддият замирида талаб-эхтиёжлар, мақсад-муддаолар, уларни қондириш усуллари, йўллари ва воситаларининг ҳар хиллиги ётади. Озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари билан босқинчилик, тажовузкорлик ва мустабидлик ғоялари ўртасидаги кураш бунинг ёрқин мисолидир.

Ғоявий мутаассиблик тўғри деб ҳисобланган муайян фикр, ғоя, ақидадан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билиш, уларни кўр-кўrona инкор этишга асосланган қураш ва амалиётни англатади. Ғоявий мутаассиблик турли йўналиш ва эътиқоддаги кишиларга хос бўлса-да, улардаги умумийлик ўзга ғоя ва эътиқодни ёлғон ҳисоблаш, ўз қурашларини мутлақлаштириш, унга қўшилмаганларга қарши фаолият олиб бориш, уларни йўқ килишга қаратилган харакатларда яққол кўринади. Ўрта асрлардаги инквизиция, баъзи Ғарб мамлакатларидағи неофатизм ғоялари тарафдорлари харакатлари ғоявий мутаассибликка мисол бўла олади.

Ғоявий парокандалик жамият, халқ, ижтимоий қатламларининг ўз мақсадларини аник-равшан белги-

лаб олмагани, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифодаловчи мафкура яратилмагани сабаб ижтимоий онг ва маънавий ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик, бекарорликни англатади. Ғоявий парокандалик, одатда, муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тугатиб, бир тузумдан бошқасига ўтаётган, ижтимоий-сиёсий қутблашув ва зиддиятлар кучайган, жамият турили табақаларга бўлиниб, хар бир ижтимоий-сиёсий куч ўзининг тор манфаатлари доирасида ўралашиб қолган вазиятларда рўй беради. Бу ҳолат жамиятнинг янада тарқоқлашуви ҳамда бир-бирига душман тарафларга ажралиб кетишига олиб келади.

Ғоявий турғунлик – муайян мафкура тизимидағи такомиллашиш ва янгиланиш жараёнининг тұхтаб, мафкуравий ақидаларнинг реал ҳаёт, амалиётдан узилиб қолиши. Коммунистик мафкурунинг тақдири бунга мисол бўла олади. Демак, мафкурунинг ижтимоий ҳаётдан узилиб қолиши жамият тараққиётига түсик бўлади ҳамда ғоявий турғунлик ҳолатини келтириб чиқаради.

Ғоясизлик эса ана шу ғоявий турғунликдан келиб чиқувчи воқеликдир. Ғоясизлик муайян шахс ёки ижтимоий гурӯхнинг онги ва қалбida муайян мақсад сари етакловчи фикрнинг йўқлиги. Ғоясизлик, одатда, ҳали ўзлигини англаб етмаган, ўз манфаат ва имкониятларини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва ҳаётий кадриятларини англаб етмаган кишилар ва тоифаларда учрайди. Ҳаётда юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган одам фақат табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб қолади. Ғоясизлик маънавияти тубан, иймон-эътиқоди суст, мафкураси бузук кимсаларни юзага келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмаслик, тарихий хотирани унтиш ҳам ғоясизликнинг бир кўринишидир. Бундай кимсалар ўз ота-онасига қўл кўтаринши ҳам, ўз Ватанини сотиши ҳам мумкин.

Гоявий тажовуз – муайян бир жамият, миллат, ижти-  
моий қатлам ёки гурух онги ва рухиятига ташқаридан  
ұтказиладиган мафкуравий хурож, бегона ва ёт максад-  
манфаатларга хизмат қиласынан ғоявий босқинчилик.  
Тарихда ғоявий тажовуз ҳарбий истило, сиёсий тазийк  
ва иқтисодий исканжа чоралари билан боғлиқ ҳолда  
олиб борилған. Бундай тажовузга фақат умуминсоний  
ғоялар ва демократик тамойилларга асосланған соғлом  
мафкура билан қарши тұра олиш мүмкінлеги тобора  
аён бўлиб бормоқда.

Гоявий қарамлик миллат, жамиятнинг ўз манфаат-  
лари ва максадларига мос келмайдиган, унга зид бўл-  
ган ғоявий оқимларга боғлиқлиги, ёт ва бегона ғояларга  
бўйсунишини характерлайди. Гоявий қарамлик, шу-  
нингдек, гоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёхуд парокандалик  
оқибатида ҳам келиб чиқади. Шу каби, гоявий қарамлик  
давлат бошқаруви ва ички сиёсат билан боғлиқ равиши-  
да ички характерга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бугунги глобаллашув шароитида ғоявий қарамлика  
солишининг турли усуллари қўлланилмоқда. ОАВ, ах-  
борот технологиялари, интернет ва инвестициялар ёр-  
дамида мафкуравий тажовузлар уюштирилмоқда. Бун-  
дай таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни  
англаш, соғлом мафкурагина қарши тұра олади. Маф-  
куравий полигонлар ядро полигонларидан хавфлироқ  
бўлиб бораётган вазиятда миллий ғояни ёшлар онги  
ва қалбига сингдириш ниҳоятда муҳим. Миллий гоя  
фуқароларни тафаккур қуллигидан кутқаради, Ватан  
равнақи, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлигини таъ-  
минлашга ёрдам беради, мустаҳкам мафкуравий имму-  
нитет ҳосил қилишга хизмат қиласы.

Шунингдек, бундай ғоялардаги ёвуз ниятларни  
одамларга тушунтириш, одамларни огоҳлик, хушёрлик  
ва сезгириликка даъват қилиш, ёшларни мунтазам  
муҳофаза қилиш, миллий гояни кенг тарғиб қилиш,

соғлом кучларни уларга қарши бирлаштириш кабилар хам ижобий натижа беради.

Кези келгандა айтиш керакки, жамият тараққиётида миллий ғоя мухим вазифаларни бажаради. Жумладан, у жамият тараққиёти учун ғоявий асос, шахсни тарбиялаш орқали бунёдкорлик ишларига сафарбар қилувчи, жамият тараққиётини харакатлантирувчи кучларни ўюштирувчидир.

Шу ўринда, масаланинг яна бир мухим томони ҳақида фикр билдириш лозим. Демократик тараққиётнинг жамиятдаги ички потенциали ижтимоий имкониятларининг реал ижтимоий амалиётда намоён бўлиши табиийки, ўз-ўзидан механик тарзда амалга ошмайди. Эски қарашларни бартараф этиш ҳозиргача сақланиб қолган бундай тафаккур тарзи, тасаввурларга барҳам бериш жамият янгиланишининг энг самарали йўлларидан бири бўлиши билан бирга, айни пайтда амалга оширилаётган институционал ўзгаришларнинг гарови ҳамдир.

## ХУЛОСА

Ижтимоий-маънавий тарбия, аввало, ўз-ўзини билиш, ўзликни англаш, ота-она, оила, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла, она тилига ҳурмат, келажакка ишонч, орзу-умид, ватанпарварлик билан боғлиқ туйғулар асосида шаклланади. Шу сабаб, бу даврда айни ёшларнинг қалби ва онгида эзгуликдан озуқа оладиган покиза туйғулар уруғини ундириш ҳамда миллий манфаат ва тараққиётимизга ёд бўлган бузгунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя этиб, маънавий бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим. Бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг маънавий қўрғони мустаҳкам ва барқарор бўлмоғи даркор. Дарҳақиқат, маънавияти улуғ инсонни енгиб бўлмайди. Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланар экан, маънавият туйғусининг нақадар нозиклиги, гўзаллиги ва уни ҳис этишга қаратилган шахс баркамоллигидаги тарбиявий ўрни алоҳида тадқиқ ва татбиқ этилмоги лозим.

Айниқса, бугуннинг долзарб масалаларидан ҳисобланган, «коммавий маданият»нинг заарли таъсиридан ёшларимизнинг онгу тафаккурини асрашда илм-фан, маданият ўчоклари ва ижод аҳлининг ўрни бекиёс. Илм-фан масканлари инсонларга фан доирасидаги илмларни бериш билан биргаликда улардаги маънавий бўшлиқни ҳам тўлдириб боради. Инсонларни маънавий бўшлиқдан халос этишнинг самарали йўлларидан бири уларнинг кўпроқ вақтларини маданият маскани санаалмиш театрда ўtkазишларидир. Чунки театрда на-

мойиш этиладиган спектаклларда жамиятнинг ижтимоий-маънавий муаммоларини жонли тарзда кўрсатиб, ҳар бир томошабиннинг қалбига йўл топиш мумкин. Театрнинг ҳаётдаги маънавий ўрни нечогли юксаклигини Маҳмудхўжа Беҳбудий «театр бу ибратхонадур» деб изоҳлаганда, айнан ҳақиқатни айтган эди.

Инсонларнинг маънавиятини юксалтиришда асосий омиллардан яна бири, шубҳасиз, кутубхоналар ҳисобланади. Кутубхоналарга борган ҳар бир ўқувчи ўзи хоҳлаган китобини тезда топиб, қулай ва шинам ўкув хоналарида ўзларини қизиқтирган маълумотларни ўрганиб, салоҳиятларини оширишлари мумкин. Ҳар бир оиланинг шахсий кутубхонасига эга бўлиши, маҳаллаларда, хонадонларда бедилхонлик, навоийхонлик кечаларининг қадрият сифатида қайта тикланиши айни муддао бўлар эди.

Шу ўринда мавжуд ижтимоий-маънавий муаммоларни бартараф этишда дунёда қиёси йўқ – ягона маҳалла институтининг ўрни беназир эканлигини таъкидлаш зарур. «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган накл бекорга айтилмаган, ахир.

Ҳар бир фуқаро, ҳар бир ўзбекистонлик бефарқ, лоқайд бўлмас экан, юртимиз мустақиллиги, халқимиз фаровонлиги абадий бўлиши шубҳасиз.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Шуни унутмайликки, ҳеч ким ҳеч қачон четдан келиб бизнинг ишимизни ўнглаб, оғиришимизни енгил қилиб, муаммоларимизни ечиб бермайди. Ўз ҳаётимизни ўзимиз ташкил этишимиз, барча муаммоларни ўзимиз ҳал қилишимиз лозим»дир.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Фуқаролар тинчлиги – буюк неъмат .....	7
Оила институтида маънавий муаммо ва ёчимлар .....	16
Ғоявий муаммолар .....	21
Хулоса .....	30

ОЙБЕК МУСУРМОНҚУЛОВ

## ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Тошкент «Маънавият» 2015

Мухаррир *O. Пардаев*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусаҳҳих *Ш. Ҳакимова*

Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишига 20.05.2015 й.да  
руҳсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.  
Буюртма № 15-56. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,  
Тараққиёт 2-берккӯча, 2-йй. Шартнома 19–15.

ISBN 978-9943-04-244-5

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-04-244-5.

9 789943 042445

*Manaviyat*